Ушбу сонда:
2 ПУЛНИ ОМОНАТГА ҚЎЙИШНИНГ ЎН УЧ ТУРИ
3 ЖАҲОН БОЗОРИГА ДАДИЛ ҚАДАМ
4 ФАЛАК СИРЛАРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАТСИЯСИ
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 18 август, жума №119 (951)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

ИШЧИ ҚАДРИ

Денов туманидаги «Чағониён» ҳиссадорлик жамиятида меҳнат қилаётган ҳар бир ишловчида эзгуликка интилиш, ҳар соҳада ташаббускор ва изланувчанлик ҳисси кучли.

Юртимиз мустақиллигининг дастлабки йиллари мазкур жамиятда ишлар анча орқага кетган эди. Кунларнинг бирида раис К.Сапиев касаба уюшма қўмитаси раиси Аҳмад Қутлиевни ёнига чорлаб шундай деди:

— Эски услуб панд бераяпти. Очиғи бокимандалик кайфиятидан қутилолмаяпмиз. Ишчи-хизматчилар меҳнатини рағбатлантириш, қулай шароит яратиш ҳақида алоҳида бош қотириш лозим. Қолаверса одамлар қалбига қулоқ тутайлик.

Ҳақиқатдан ҳам ҳар бир ишчининг таклифи, раҳбарият томонидан алоҳида ўрганилди. Уларнинг кўпчилигида ишлаш учун яхши шароит яратилмаганлиги, хусусан, иш ҳақи вақтида берилмаётганлиги таъкидланган эди. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Вақт ўтиши билан у ўзининг кутилган самарасини берди. Ҳозирги кунда жамият ҳайдовчилари вилоятнинг тўқизта туманига, шунингдек, Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз, Урганч, Қарши ва Тошкент шаҳарларига қатнаб, намунали хизмат кўрсатмоқда. Айниқса, жамиятнинг Қумқўрғон филиалидаги 132 та автобус, 77 та енгил автомобил таксилари доим йўлга чиқишга шай. Сўзимизнинг исботини жамият бажараётган иш ҳажмидан билсак ҳам бўлади. Жорий йилнинг биринчи ярмида 100 миллион сўмликдан ортиқ иш бажарилди. Ишчи-хизматчиларнинг самарали меҳнати туфайли давлат банкига 20 миллион сўмдан ортиқ нақд пул туширилди. Хўш, жамоа аъзоларининг фидокорона меҳнати қандай рағбатлантириляпти, деб касаба уюшма қўмитаси раиси Аҳмад Қутлиевдан сўрадик.

— Жамоамизда 400 нафар ишчи-хизматчи бор. Тан олиб айтиш керак, даставвал вазифамни яхши тушунмаганман. Ўқиб ўргандим, билмаганларимни сўрадим. Қоида бўйича ҳар 100 та техникадан 66 таси ҳаракатда бўлиши керак. Бизда бу таклиф юз фоиз бажарилаётир. Ишчи-хизматчиларнинг меҳнатига яраша рағбатлантирилаётганлиги ишимиз барорини бермоқда. Ишчилар тасдиқланган жадвал асосида меҳнат таътилига чиқишади. Улар касаба уюшма қўмитамиз ташаббуси билан «Хонжиза» дам олиш уйида кўнгилли хордиқ чиқаришларига шароит яратилган. Иш жойида дам олиш хоналари мавжуд. Ходимлар истаган вақтда кутубхонамиздан фойдаланишлари мумкин. Кутубхонада 1500 та турли адабиётлар бор. Жамиятимиз аъзолари тиббий кўрикдан ўтишди. «Маънавият-маърифат» хонаси, тиббий пункт, шунингдек этикдўзлик, сартарошхона, бичиш-тикиш, соатсозлик хизматлари ташкил этилган. Уларда ишчиларга бепул хизмат кўрсатилади. Ошхонамизда 15 фоиз арзонлаштирилган мазали таомлар тайёрланади. Жамоа аъзоларининг меҳнат таътилига 3 иш куни, ўн тўрт ёшга етмаган фарзанди бўлса, 7 иш куни, никоҳ тўйлари муносабати билан 7 иш куни, фарзанд туғилганда, янги уйга кўчиб ўтганда 2 иш кунидан қўшимча пуллик таътил берилади. 15 нафар ишчи республика ва вилоят сиҳатгоҳларида саломатликларини тиклашди. Бундан ташқари марҳум ишчи ўғлининг суннат тўйини ўтказиб бердик. Бизда узлуксиз 10-15 йил ишлаб нафақага чиқаётганларга иш ҳақи миқдорининг 8 баравари, 20 йилдан ортиқ вақт ишлаган бўлса 15 баравари миқдорида мукофот ажратилади. Никоҳ тўйи қилаётганлар энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорида тўёна оладилар.

Ҳа, «Чағониён» ҳиссадорлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ишларидан ибрат олса арзийди.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири.

Вазирлар Маҳкамасида теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун халқаро мусобақаларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, мазкур қўмита раиси Ў.Султонов бошқарди.

АНЪАНАВИЙ МУСОБАҚАГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Йиғилишда таъкидландики, ҳар йили Истиқлол байрамига ҳамоҳанг тарзда ўтказилаётган мазкур анъанавий мусобақаларда бу гал ҳам жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан энг моҳир теннисчилар иштирок этиш истагини билдирган. Бу турнирнинг жаҳон спорт оламидаги обрўси тобора юксалиб бораётганидан дарак беради.

Президент Кубоги учун жаҳон теннисчилари беллашуви нафақат республикамизда, балки кўплаб хорижий оммавий ахборот воситалари ёрдамида олтмишдан зиёд мамлакатда ҳам кенг ёритиб борилади. Мусобақанинг ҳақиқий спорт байрамига айланиши учун ташкилотчилар томонидан барча зарур чора-тадбирлар кўрилаётир.

Йиғилишда теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун Халқаро турнирни юксак савияда ўтказиш, унинг доирасида турли қизиқарли тадбирлар, учрашувлар, суҳбатлар уюштирилишини таъминлаш бўйича тегишли ташкилотлар раҳбарларига аниқ кўрсатма ва топшириқлар берилди.

(ЎзА).

Нукус шаҳрида Республика оналик ва болаликни муҳофаза қилиш маркази негизида акушерлик ва генекология илмий-тадқиқот институтининг Нукус филиали ташкил этилди.

Мазкур филиалнинг асосий мақсади — қизлар ва ўсмирлар соғлиғини яхшилаш, маънавий етук шахсни шакллантиришга қаратилган илмий, профилактик даволаш тадбирларини амалга оширишдир.

Айни пайтда ушбу филиалнинг клиник ва илмий бўлимлари аёллар ва болалар саломатлигини яхшилаш борасида ижобий натижаларга эришмоқда.

Суратда: Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган шифокор, олий тоифали акушер — гинеколог Дамехон Серсенбоева.

О.МУРАТОВ
(ЎзА) олган сурат.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МУҲТАРАМ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Халқимиз учун ҳақиқий Юртбоши бўлиб қолган ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Ушбу мактубни Сизга фарзанд доғида изтироб чекаётган ота-оналар йўлламоқда. Алпдек ўғлонларимиз — Улуғбек Барноев, Сайёр Саъдинов, Маъруф Ражабов Ватан сарҳадларини экстремистлардан тозалашда қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар. Ана шундай оғир дамларда Сиздек фидойи Юртбошимиз, вилоят ва туман ҳокимлари, бутун халқимиз кўнгил сўради.

Биз фарзандларимиз Ватан мустақиллиги, эл тинчлиги учун жон фидо этганлиги, шаҳид кетганлиги билан ғурурланамиз. Уларни бутун Ўзбекистоннинг фарзанди, деб биламиз. Гарчи, изтироб, фарзанд доғи қалбимизни қийнаётган бўлса-да, бегуноҳ болаларимизнинг сизу бизнинг эртамиз учун қурбон бўлганлигидан таскин топади. Чегарамизни қўриқлаётган, босқинчиларга қарши борган ҳар бир йигит ана шундай йўл тутиши ҳам фарз, ҳам қарздир. Чунки биз мард, ботир, ватанпарвар, ғурурли фарзандларни тарбиялаб, вояга етказаяпмиз.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Сиз Ватанни севиш, халқни ҳурмат қилиш тимсолисиз. Оғир кунларда сабот-матонат билан халқни фаровонликка олиб чиқаяпсиз. Жасорат ва қўрқмасликда ҳам барчага ибрат кўрсатаяпсиз. Ўзбекистон, ўзбек халқи обрўсини биз Сизнинг номингиз билан боғлаймиз. Ва ана шу обрўни ҳимоя қилишга ҳамиша тайёрмиз.

Биз уруш қурбонсиз бўлмаслигини яхши биламиз. Қолаверса, Ватан посбонини тайёрлаш, қаҳрамон ўстириш ҳар бир ота-она учун катта бахтдир. Ўзбекистондаги ҳар битта ота-она Сизга ана шу гапни айта олади. Ўзингиз айтганингиздек, кўнглингизнинг тўқлиги, ғурурингиз ҳам халқимизнинг ана шу фазилатидандир.

Биз шундай қарорга келдик: гарчи фарзандларимиз ҳалок бўлган бўлса-да, улар билан фахрланамиз. Мабодо Ватан ҳимояси учун лозим бўлиб қолса, бошқа ўғилларимизни оқ фотиҳа билан чегарага жўнатишга тайёрмиз. Керак бўлса, қўлга қурол олиб, ўзимиз ҳам жангга кирамиз. Ватаннинг бир қаричи ҳам Ватан. Ким унга ёмон ният билан қадам қўяр экан, юртсевар халқимиздан ўз жазосини олади.

Ҳурмат билан, Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳридан Абдулла БАРНОЕВ, Боғишамол туманидан Розия САЪДИНОВА, Булунғур туманидан Аҳмад РАЖАБОВлар оиласи.

2000 йил 15 август.

ХАВОТИРГА ЎРИН ЙЎҚ

Мамлакатимиз жанубий чегараси Сурхондарё вилоятининг Узун ва Сариосиё туманлари ҳамда Қирғизистон Республикасининг Боткен вилоятидаги халқаро террорчи гуруҳларнинг қилмишларини халқимиз яхши англаб турибди. Уларнинг мақсади битта: тинч аҳоли осойишталигига раҳна солиш. Лекин бундай қора кучлар ҳар қанча уринмасин, халқимизни таҳликага, саросимага сола олмайди. Улар фақат бир нарсага - халқ нафратига, қарғишига дучор бўладилар, холос.

— Бу дунёда ҳеч банда фарзандидан айрилмасин, - дейди пенсионер Ҳамидахон ая Исмоилова.- Эл тинчлигига раҳна солмоқчи бўлган террорчиларга қарши курашда шаҳид бўлган ўғлонларимиз ҳақидаги хабардан она сифатида юрагим эзилди. Лекин улардек мард, жасур фарзанд тарбиялаган оналарга мингминг раҳматлар айтаман. Фарзанддан ажралиш оғир. Лекин фарзанднинг эл-юрт, Ватан, озодлиги йўлида жон беришидан ортиқ шараф йўқ. Ўзимнинг ҳам икки нафар ўғлим айни кунда Боткен вилояти билан чегарадош ҳудудларда хизмат бурчини ўташмоқда. Фарзандларимни ҳалол луқма билан улғайтирганман. Улардан кўнглим тўқ. Террорчи, босқинчилар ҳар қанча уринса-да, тинч-осойишта ҳаётимизга раҳна сололмайди. Чунки бизнинг мард, жа-

(Давоми 3-бетда)

АҲОЛИГА ЁРДАМ КЎРСАТИЛМОҚДА

САРИОСИЁ. (ЎзА мухбирлари Василий Марков ва Чори Тўхтаев хабар беради). Сурхондарё вилоятининг Узун ва Сариосиё туманларида босқинчиларни йўқ қилиш юзасидан амалга оширилаётган операциянинг ҳарбий босқичи якунланмоқда. Эндиликда тинч аҳоли хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг турмуш шароитини изга солиш ишларига асосий эътибор берилмоқда.

Аҳолини тоғ қишлоқларидан кўчириб келиб, ташкил этилган лагерларда жойлаштириш ишлари давом этмоқда. 16 августдаги маълумотларга кўра, Узун туманидаги лагерда 217 нафар одам бор. Улар, асосан аёллар ва болалардан иборат. Узун туманида ҳарбий ҳаракатлар кечаётган жойдаги бешта тоғ қишлоғи аҳолиси кўчирилиб, болаларни соғломлаштириш лагерига жойлаштирилди.

Лагерга келаётганлар албатта санитария-тиббиёт кўригидан ўтказилиб, зарур ҳолларда уларга тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда ишлар вазирлигининг Узун тумани штаби аҳолини ҳимоя қилиш бўлими катта зобити, майор Зокир Бобоқулов хабар қилганидек, лагер тиббий хизмати барча зарурий дори-дармон билан таъминланган. Аҳолини озиқ-овқат, кийим-кечак,

(Давоми 3-бетда)

ВАТАН ЎЗ ФИДОЙИЛАРИНИ УНУТМАЙДИ

Касаба уюшмалари овози

ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИКНИ ЯКДИЛ ҲИМОЯ ҚИЛАМИЗ

Республика касаба уюшмаларида бўлиб ўтаётган йиғилишлар иштирокчилари ёвга қарши курашда қаҳрамонларча ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларимизнинг порлоқ хотирасини ёдга олдилар. Ватанимиз хавфсизлиги, халқимизнинг осуда ҳаётига тажовуз қилмоқчи бўлган халқаро террорчиларнинг ёвузликлари қаттиқ қораланди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси, Енгил, мебел саноати ва коммунал маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси, Ўзбекистон кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси, Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси, Наманган, Фарғона ва Андижон вилоятлари алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмалари қўмиталарида бўлиб ўтган йиғилишларда хушёрликни янада ошириш, меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириб, оммага бор ҳақиқатни етказиш, турли миш-мишларнинг илдизига болта уриш лозимлиги таъкидланди.

МАРД ЎҒЛОНЛАРИМИЗ БИЛАН ФАХРЛАНАМИЗ

дейди хатирчилик 104 ёшли Бодом момо Амин қизи

Она қалбидаги ғалаённи она билади. Фарзанд доғи вужудини ўртаётган кишилар изтиробини бир муштипар сифатида бутун борлиғим билан ҳис қилаяпман, ёвга ўлим тилаяпман. Узун ва Сариосиё туманларида юз бераётган воқеаларни ойнаи жаҳон орқали кўриб вужудим ларзага келди. Бу қандай қабоҳатки, бахтимизни, осуда ҳаётимизни кўришолмаса. Навқирон ёшида мард фарзандларимиз ўққа учса!...

Бу ёруғ жаҳонда она қалбига тенг келадиган қудрат йўқ. У не-не аламандуҳларга, ҳижрону-айриликларга бардош бера олади. Ватанимиз хавфсизлиги, бепоён сарҳадларимиз ҳимояси йўлида жон фидо этган ўғлонларнинг ота-оналари ҳурматли Президентимиз Ислом Каримовга йўллаган мактуби барча-барчамизнинг юрагимиздан жой олди. Қалб нидоси бўлиб янграган: «**Биз фарзандларимиз Ватан мустақиллиги, эл тинчлиги учун жон фидо этганлиги, шаҳид кетганлиги билан ғурурланамиз. Уларни бутун Ўзбекистоннинг фарзанди, деб биламиз**», каби сатрлар ўйлайманки, барча ота-оналарнинг юрак сўзларидир.

Тинчлигимизга, юртимиз осойишталигига раҳна солишга уринаётган ёвузларга қарата шундай дейман: Ўзбекистондек суюкли Ватанимизни ҳеч ким, ҳеч қачон оёқ ости қилолмайди. Чунки бошимиз узра жасур, меҳрибон Президентимиз, ўз Юртбошисига, халқига садоқатли, ғурурли, асл ватанпарвар ўғлонларимиз бор.

ТЕРРОРЧИЛАРГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Узун туманлари ҳудудидаги баланд тоғликларда ўрнашиб олишга уринган халқаро террорчилар гуруҳига қақшатқич зарба берилиб, асосий қисми йўқ қилинди. Жанг майдонидан, пана-пастқам ғорликлардан ер тишлаган босқинчиларнинг мурдалари топилмоқда. Республика прокуратураси, Ҳарбий прокуратура, Сурхондарё вилоят прокуратураси томонидан тузилган махсус тергов гуруҳи Ички ишлар ва Миллий хавфсизлик хизмати идоралари билан ҳамкорликда мурдаларнинг шахсини, улар содир этган жиноят таркибини аниқлаш бўйича тергов ҳаракатларини давом эттирмоқда.

Биз Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари, республика ҳарбий прокурори, адлия полковниги Баҳодир Деҳқоновдан ана шу тергов жараёнларининг дастлабки натижалари ҳақида сўрадик.

— **Ватанимизнинг жанубий сарҳадларига ёвуз ният билан суқилиб кирган халқаро**

(Давоми 3-бетда)

УНИНГ ҲАЁТИ БИЗ УЧУН ИБРАТ

Ватанимиз хавфсизлиги, сарҳадларимиз ҳимояси йўлида жон фидо этган жасур аскар — Алишер Салимов ҳақида унинг ҳамшаҳарлари, маҳалладошлари, дўсту ёронлари шундай дейди:

Мирвоҳид Азимов, Янгиер шаҳар, Темур Малик номли маҳалла оқсоқоли:

— Раҳматли Алишерни ўз бағримизда улғайтирдик. У қаҳрамон бобоси Тожиқўзи Болтабоевга тортди. Қўниқўшниларига ҳам меҳри бўлакча эди, дўстлари кўп эди, унинг. Камтарин, оқибатли йигит эди. Эсиз, шум тақдир уни бағримиздан юлиб кетди. Ичимиз туздек ачишиб, кўзларимиздан маржон-маржон ёш думаласа-да, ботир ўғлонни эл-юртимизга тарбиялаб берганимиз кўнглимизга таскин бўлади. Маҳалламиз аҳли таклифи билан жасур фарзандимиз хотирасига ҳурмат сифатида кўчаларимиздан бирига унинг номини беришни сўраб шаҳар ҳокимлигига мурожаат қилдик.

Ҳулкара Юсупова, Янгиер шаҳридаги 4-мактаб директори:

— Алишер Салимовга етуклик гувоҳномасини топширганим кечагидек эсимда. У катта ҳаёт остонасида энтикиб, шошиб қолмади. Балки ёшликдаги орзуси — ҳарбий зобит бўлишга отланди. Биз мураббийлар у синовлардан қийинчиликларсиз ўтишига ишонгандик. Чунки ундаги ирода сабру-бардош билимдонлик билан уйғунлашиб кетганди.

Мактабимизда тарих музейи мавжуд. Ана шу ерда Алишер Салимовнинг хотира бурчагини ташкил этишга қарор қилдик. Токи ўсиб келаётган авлод фарахбахш кунлар осонлик билан келмаганлигини, у Алишер сингари жасур ўғлонларимиз фидойилиги эвазига қўлга киритилганлигини асло унутмасин.

Улуғбек Райимжонов, марҳумнинг синфдош дўсти:

— Алишер биз дўстларни бўзлатиб кетди. Аммо унинг 23 баҳори беҳуда, беиз эмас. У шарафли ўлим топди. Ҳаммага ҳам бу насиб этавермайди. Биз дўстимиз билан фахрланамиз. Юртни — элни, Ватанни севган ҳар бир йигитнинг бурчи бу. Токи дунёда разолат, қабоҳат бор экан ўзини йигитман деб билган киши таҳликали онларда хотиржам бўлолмайди. Ҳақиқий эр йигит эл юкини ўз елкасига олади.

Екатерина Шобўронова, маҳалладоши:

— Унга 7-8 синфларда математикадан дарс берганман. Аъло ўқирди. Фаол жамоатчи эди, спортни жон-дилидан севарди. Синовлар олдида довдираб қолганини ҳеч эслай олмайман. У юрт олдидаги бурчини шараф билан адо этди. Алишер ҳамиша қалбимизда ибрат намунаси бўлиб қолади.

Тоҳир САМИЕВ,
Нурулло ШАМСИЕВ.

Ислоҳот инсон учун

Меҳнаткашлар ҳақида алоҳида қайғурилаётган, ишни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг синалган омилларидан унумли фойдаланилаётган жойда албатта муваффақиятга эришилади. Буни Наманган вилоятининг Учқўрғон тумани хўжаликлари мисолида кўриш мумкин.

УЧҚЎРҒОНГА ОМАД КЕЛДИ

Халқимизда бошингда қилич ўйнаса ҳам тўғри сўзла, деган гап бор. Шўро замонасида авж олган сув омборлари қурилиши кўп жойларда бўлгани сингари туман қишлоқ хўжалигига ҳам салбий таъсир ўтказди. Айтишларича, Қирғизистон ҳудудида, олис тоғлар оралиғида бунёд этилган Тўхтагул сув омборида бир неча йиллик оби-ҳаёт заҳираси тўпланган. Бинобарин, шу манбанинг қуйи қисмидан оқиб келадиган сув шунчалар совуқки, ҳатто ёз чилласида ичсангиз тишларингиз қамашади. Паст ҳарорат эса ўсимлик ривожига салбий таъсир ўтказиб, ғўза ривожини секинлаштиради.

Омилкорлар бунинг ҳам эпини топишди. Учқўрғонда эса бундай кишилар кўп. «Қайқисбод», «Ўзбекистон», Улуғбек номли, Охунбобоев номли хўжаликлар деҳқонлари ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштиришнинг уддасидан чиқиб келишяпти. Ўтган йилда кучли ёғингарчиликдан зарар кўрган, қайта чигит экишга мажбур бўлган «Учқўрғон» қишлоқ хўжалик корхонасининг Ғайбулло Аҳмедов, Мусохўжа Зокиров бошлиқ бригада миришкорлари режани ортиғи билан уддаладилар. Ҳолбуки, улар билан ери ёнмаён бўлган бригадалар ярим йўлда қолиб кетишди. Демак, ишни моҳирона ташкил этишда, ер билан «тиллашишда» гап кўп экан.

Хуллас, тумандаги аксарият хўжаликлар давлатдан қарздор бўлиб қолишди. Туманнинг янги ҳокими Баҳодир Охунов билан бу ҳақда узоқ фикрлашдик.

Ўтган йилнинг эрта баҳорида у Учқўрғон тумани ҳокими этиб тайинланганда экин экиш режалари тузиб бўлинган эди. Бунинг устига бир неча бор такрорланган сел, жала, дўл ишни кўпайтирди, баъзи жойларда қайта-қайта чигит экишга тўғри келди. Гарчи, олдинги йилларга таққослаганда кўп соҳаларда силжишга эришилган бўлса-да, бош тармоқ бўйича мақсад амалга ошмади. Учқўрғон Наманган вилоятидаги қолоқ туманлар қаторига тушиб қолди. Шу сабаб газетамизда туман ҳақида танқидий мақола эълон қилинди.

Ўша кунларнинг бирида вақт алламаҳалда уй телефоним жиринглади. Гўшакни кўтардим. Баҳодиржон экан.

— Дўст ачитиб гапиради, деганлар. Камчиликларни, йўл қўйилган хатоларни тўғри кўрсатгансиз. Танқиддан тўғри хулоса чиқардик.

Туман ҳокимининг самимий гапларидан мамнун бўлдим. Бунинг устига яқинда учқўрғонлик етук мутахассислардан бири билан учрашганимда бу йил туман деҳқончилигида катта ишлар қилинаётганлигини, «шарбат» етиб бормаган бирон гектар ғаллазору пахтазор қолмаганлигини, ғўза майдонлари ўша даврга уч-тўрт бор кетмон чопиғидан чиққанлигини айтиб қолди.

— Бу йил яна бир иш қилдик, — дейишди шу мавзуда сўз борганида тадбиркорлар. — Мутахассисларимиздан бири Фарғона спирт корхонаси чиқиндиларининг Ёзёвон даштига чиқариб ташланганини, у тоғ-тоғ бўлиб уюлганини айтиб қолди. Биз ундан намуна олиб лабораторияда текширдик. Маълум бўлишича, ғўза ривожи учун ҳар қандай маъданли ўғитдан у кўпроқ фойдали экан. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб чиқди. Тошлоқ ва шўрҳок майдонларга ўн минг тоннага яқин солдик. Тупроқда намликни сақлашга ҳам фойдаси тегаркан. 16 июл куни юз берган дўл оқибатида жиддий зарарланган 1,5 минг гектар майдонга ҳам ана шу чиқиндидан соляпмиз. Бу зарарланган пайкалларни тезроқ тиклаш ва маъданли ўғит сарф-ҳаражатини тежаш имконини беряпти.

Фермер хўжаликлари ишини суриштирдик.

— Улар қишлоқ хўжалигини, хусусан, пахтачиликни тараққий эттиришда асосий таянчимиз, — дея жавоб қайтарди суҳбатдошим. — 220 та фермер хўжалигига 2200 гектар ер, жумладан 1600 гектар пахта майдони бириктирилган. Уларга 38 миллион сўм кредит олишларига ёрдамлашдик. Фермерлар учун алоҳида трактор парки ташкил этилган. 8 та «ТТЗ-100» русумли трактор сотиб олинди. Қайси фермерга техника зарур бўлса, аризасига биноан бориб хизмат кўрсатилади.

Эл-юрт фаровонлиги, бахт-саодати йўлида қилинган меҳнат ўз самарасини бермоқда. Пилла топшириш режаси вилоятда биринчилар қаторида бажарилди. Давлатга 220 тонна «кумуш тола» етказиб берилиб режа 120 фоизга адо этилди. Ғаллачиликда ҳам биринчи бўлишди. Жами 28 минг тонна ғалла етиштирилди. Шундан 21100 тоннаси давлатга сотилди. Ҳар гектар ҳосилдорлиги 47 центнерни ташкил этди.

Дарвоқе, пахтадан ҳам мўл ҳосил олишга пухта замин ҳозирланди. Учқўрғонликлар эл-юрт хирмонига 37200 тонна ҳосил тўкишга бел боғлашган. 40 фоиз ҳосил машиналар ёрдамида йиғиштириб олинади. Механик-ҳайдовчилар қайта тайёргарликдан ўтказилди. Шунингдек, қўшни Андижон вилоятидан ёрдамга қўшимча машиналар олиш мўлжалланяпти.

Учқўрғон вилоятнинг бошқа туманларидан саноатлашгани билан фарқланади. Туманда айни пайтда ўндан ортиқ корхона фаолият кўрсатяпти. Ун комбинати, ёғ ишлаб чиқариш корхонаси, пахта тозалаш заводи шулар жумласидандир. Умуман 8 минг нафардан ортиқ киши ишлаб чиқаришда банд.

Туман саноатчилари йилнинг биринчи ярмини муваффақиятли якунладилар. 2 миллиард 248 миллион. 419 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бундан ташқари 400 та хусусий кичик корхона фаолият кўрсатмоқда. Ёғ корхонасининг хом ашёга бўлган талабини тўла қондириш учун ғалладан бўшаган майдонларнинг 500 гектарига соя, шунча майдонга кунгабоқар экиб парвариш қилинмоқда.

Туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Собитхон Сатторовнинг таъкидлашича, ишловчилар иш ҳақларининг ўз вақтида берилиши туман ҳокимлиги билан тузилган келишув ва жамоа шартномаларига биноан қаттиқ назоратга олинган. Ҳар ойнинг охирида ташкилот ва хўжаликлар мутасаддилари шу масала бўйича алоҳида ҳисобот беришади.

...Учқўрғондан қайтарканмиз туман ҳокими хайрлашишимиз олдидан айтган гапларини эслайман: бу йил учқўрғонликлар учун барча соҳада ўсиш йили бўлади.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

САНАЦИЯ НИМА БЕРДИ?

«Самарқандқудуқ» 1998 йил якуни бўйича санацияга тушган хўжаликда синаб кўришга қарор қилинган экан, демак, бу сизларга бўлган ишонч. Уни оқлаш, бизга афзал томонларини кўрсатиш лозим. Кейин хўжалик санацияга тушган. Бизнес-режада белгиланган даромадни олиш шарт. Айтмоқчиманки, бирини деб иккинчиси қолиб кетмасмикин? Нима деб ўйлайсиз?

— Ўша сиз айтаётган даромадни олишни ўзимиз учун бурч, деб биламиз, - деганди ўшанда Акмал ака. — Ҳар бир сўмни ўйлаб, ҳар литр ёнилғи-мойлаш материалларини тежаб сарфлаяпмиз. Кунда қанча ҳаражат кетганини ҳисоблаб борамиз. Мақсадимиз, бир сўм ҳам беҳуда сарфланмасин. Бу кўпнинг мулки, одамлар биздан эртага баҳонани эмас натижани сўрашади.

У гапида турди. Йил бизнес-режада белгиланганидан зиёда соф фойда олиниб якунланди. «Самарқандқудуқ» ижара ширкатлар бирлашмаси деҳқонларида меҳнатларига яраша манфаат кўришларига, ислоҳотлар берган ва бераётган имкониятларга ишонч, пировард натижага қизиқиш ортди.

Яқинда хушхабар эшитдик. Бирлашма ғаллакорлари Жиззах туманида пешқадамлар сафида мавсумни якунлашибди. Тўйга тўёна билан, деганларидек давлат буюртмасига қўшимча 700 тонна дон сотишибди. Учтепанинг чўлга туташ мана шу еридан баракали ҳосил ундириш учун деҳқонда тажриба, касбига фидойилик бўлиши керак.

— Ерлар оилавий пудратга бўлиб берилгани, одамларда ерга бўлган меҳрни оширди, - дейди хўжалик касаба уюшма қўмитаси раиси Муҳаммад Султонов. — Энди улар илгаригидек далага куни ўтиши, раҳбарларга кўриниш бериш учун эмас, шу ер менинки, деб келишяпти, астойдил ишлашяпти. Бир мисол, оилавий пудратчилардан Ҳусан Исматов шартномавий режани 127 фоизга, Алламурод Ражабов 109 фоизга ўринлатди. Ғаллакор қўли мўмай пул кўрди, уйи донга тўлди.

Бирлашма ҳисобчиси кетган харажат, келадиган даромадни ҳисоб-китоб қилиб қўйган экан, навбатдаги саволимизга ўйланмай, қоғоз кўтармай жавоб берди: «Соф фойда олти ярим миллион сўмдан кам бўлмайди».

— Пудратчиларга тарқатилганидан ташқари ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотганлар, кам таъминланган ва серфарзанд оилаларга ҳам тарқатишга етарли дон ғамлаб қўйдик, - дейди Акмал ака. — Байрам арафасида берамиз. Уларга албатта яна совға-салом, пул улашилади, дастурхон ёзилади. Истиқлол берган инъомдан бахраманд бўлсалар, чеҳраларида шукроналик барқ урса, бизга шу муҳим.

Дарҳақиқат, озод ва обод юртда яшаб, унинг гуллаб-яшнашига ҳиссанг қўшилаётганини ҳис этишнинг ўзи улуғ бахт.

Р.БОБОМУҲАМЕДОВ,
«Ишонч» мухбири.

Яқинда Қўқон шаҳридаги Мукимий номли истирохат боғида вилоятда ғалла топшириш режасини орттириб бажарилишида алохида ибрат кўрсатган ғаллакорларни шарафлаш маросими бўлди. Тўкин дастурхон атрофига йиғилган ғаллакорларни вилоят ҳокими Алишер Отабоев табриклади.

«ДАМАС», «ТИКО» МУБОРАК

Дон тайёрлашда юқори кўрсаткичга эришган Олтиариқ, Қува туманларига «ГАЗ—31», Учқўприк туманига «Нексия», Ёзёвон туманига «Дамас» автомашиналари мукофотга берилди. Ёзёвон туманидаги З.Ғаниев номли ширкат хўжалигига «Дамас», Бағдод туманидаги бўрдоқичилик корхонасига «Тико» автомашиналари топширилди. Илғор ижарачилар, комбайнчилар, ғаллакорлар «Дамас», «Тико» автомашиналари, рангли телевизор, магнитофон, гилам сингари совғалар билан тақдирландилар. Пилла етиштиришда юқори натижага эришган пиллакорлар ҳам қимматбаҳо мукофотлар билан сийланди.

Бундан ташқари Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари Фарғона вилоят қўмитаси «Асриф» дам олиш масканида бир ҳафталик даволаниш учун 200 нафардан ортиқ илғор пиллакорга бепул йўлланмалар ажратди.

Аҳмаджон ТЎХТАСИНОВ,
«Ишонч» мухбири.

«ЧАНОШИҚ» ГИЛАМЛАРИ

Хива туманидаги «Чаношиқ» ишлаб чиқариш ва тижорат хусусий фирмаси ташкил этилганига 9 йил бўлди. Ўзбекистон истиқлоли билан тенг ёшдаги бу жамоада 65 киши ишлайди. Улар 15 хилдаги гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқармоқдалар. Тайёр гиламлар эса республикамизнинг турли вилоятларига жўнатилмоқда.

Суратларда: 1. Уста Дилбар Абдуллаева жамоанинг илғор ип йигирувчилари Санобар Салаева, Дилором Отажонова, Кумуш Хўжаева ва Гулжон Машариповалар билан. 2. «Чаношиқ» гиламлари.

Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.

ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК

Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети Японияниинг Нагойя университети билан ижодий ҳамкорлик ўрнатди. Нагойя университетининг ҳуқуқшунослик факультети мутахассислари кейинги йилларда бир неча марта Самарқандга ташриф буюришиб, университет ҳаёти билан танишдилар, мулоқотлар олиб бордилар, ҳуқуқшунослик факультетида маърузалар ўқидилар.

Олиб борилган музокаралар натижасида ижодий ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузилди. Унда СамДУ ва Нагойя университети ҳуқуқшунослик факультетлари ўртасида профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмашинуви, илмий кадрлар тайёрлаш ҳамда илмий ишлар олиб боришда ўзаро ҳамкорлик, ҳар икки томонни қизиқтирувчи масалалар бўйича биргаликда симпозиумлар, илмий мулоқотлар ўтказиш назарда тутилган.

«Туркистон-пресс».

Банк ва мижоз

Банк тизими мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин эгалламоқда. Банклар республикамиз ҳаётида кечаётган катта ўзгаришларда ҳаракатлантирувчи куч сифатида намоён бўлмоқда. «Саноаткурилишбанк»нинг Тошкент шаҳар филиали бошқарувчиси Карим НАБИЕВ билан суҳбатимиз ҳам ана шулар ҳақида.

ПУЛНИ ОМОНАТГА ҚЎЙИШНИНГ

— Ҳар қандай банкнинг тараққиётини мижозлар белгилайди. Бозор шароитида эса, шубҳасиз, мижозлар турли-туман банк хизматларига эҳтиёж сезади. Ана шу эҳтиёжни қондириш мақсадида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Филиалимиз Тошкент шаҳрининг турли туманларида жойлашган 16 та бўлимдан иборат бўлиб, ҳозирги пайтда 6,5 минг нафардан зиёдроқ мижозларга хизмат кўрсатади. Улар орасида иқтисодиётимизнинг асосий соҳалари - нефть-газ, кимё, енгил саноат, энергетика, авиасозлик ва халқ хўжалигининг бошқа жабҳаларидаги қатор корхоналар, шунингдек, кичик ва ўрта бизнес субъектлари, юридик шахс бўлмаган тадбиркорлар бор.

Банкимиз фаолиятига кўра кўп қиррали. Рақобат кучайиб бораётган ҳозирги шароитда биз янги мижозларни жалб қилишга катта аҳамият бераяпмиз. Бунда мижозлар билан ўзаро ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш, банк хизмати турлари доирасини кенгайтириш, улар сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, кичик ва ўрта бизнес корхоналари, тадбиркорлик тузилмалари билан ишлашда ходимларимиз улар учун энг қулай бўлган усуллардан фойдаланишга интилмоқда. Ҳар бир бўлимда тадбиркорларга банк ҳисоб-китоб хизматини кўрсатишга алоқадор масалалар бўйича ёрдам берувчи секторлар ва ишчи гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда. Малакали мутахассисларимиз «ишонч телефонлари» орқали хусусий тадбиркорлар фаолиятига дахлдор барча саволларга батафсил жавоб бериб боряпти.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида кичик ва ўрта бизнес корхоналарига ажратилган кредитларнинг умумий миқдори 578,1 миллион сўмни ташкил қилди. Берилган ссудалар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан салкам 4 марта ошди. Барча кредитлар банкнинг ўз манбалари ҳисобидан ажратилди.

Шунингдек, биз мижозларнинг молиявий мустаҳкамлаш масаласига жиддий аҳамият бераяпмиз. Жумладан, уларнинг дебиторлик-кредиторлик қарзларини тўлаш масаласида катта ёрдам кўрсатилаётир. Йил бошидан буён филиалимиз томонидан ўзаро қарздорлик ҳисоб-китобларини амалга ошириш учун 2452,8 миллион сўм миқдорида кредит ажратилган бўлиб, бу корхоналарнинг 10181,7 миллион сўмлик ўзаро қарзларининг тўланишига имконият яратди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, биз ўз мижозларимизни қўллаб-қувватлаш ҳамда Марказий банк томонидан белгиланган қайта молиялаш ставкасининг ўзгариши муносабати билан депозитлар ва кредитлар бўйича фоиз ставкаларига ўзгартиришлар киритиб боряпмиз. Биз тавсия этаётган хизматлар тариф ставкаларидан анча паст.

— Банк тизимида кредит портфелини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳақда амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб берсангиз.

— Банкимиз активлари изчил равишда ошиб бормоқда. Шу бугунга келиб, бу кўрсаткич 16,6 миллиард сўмга етди. Биз маблағлардан ниҳоятда самарали фойдаланишга интилмоқдамиз. Кўпроқ ишлатиладиган активлар таркибига кредит операцияларини киритиш мумкин. Улар активларнинг 79,4 фоизини, шунингдек, қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялар эса 18,4 фоизга етади.

Умуман олганда, банкнинг кредит портфели халқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича 5842,6 миллион сўмни ташкил этади. Банк иқтисодиётнинг энг асосий соҳаларига хизмат кўрсатар экан, унинг ўзи ҳам йирик инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этмоқда.

Филиалимиз томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида 243 та хўжалик субъектига 4199 миллион сўм миқдорида кредит берилди. Улар орасида «Нефтмаҳсулот» ҳиссадорлик жамияти, «Ўзэнергиятаъминлаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Лак-бўёқ» заводи ОҲЖ, «Ташгорпэс» каби йирик корхоналар бор. Жорий йилнинг бошидан буён ўз ресурсларимиз ҳисобидан 94 та кичик ва ўрта бизнес корхоналарига умумий қиймати 633,8 миллион сўмга тенг кредит ажратилди.

Кейинги пайтда янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳаларни танлаш, биринчи навбатда уларни молия-

(Давоми 3-бетда)

ЎЗ УЙЛАРИДАГИДЕК ҲИС ҚИЛИШМОҚДА

Сурхондарё вилоятининг Узун туманидаги Холмуҳаммад Қулниёзов номли оромгоҳ бугунги кунда тинчини йўқотган 800 нафарга яқин аҳолини ўз бағрига олди. Улар айни кунларда қандай турмуш кечиришяпти? «Туркистон-пресс» мухбирининг саволига туман ҳокими, туман фавқулодда ҳолатлар комиссиясининг раиси Сафар Ҳасанов қуйидагича жавоб берди.

— Воқеа содир бўлгандан кейин зудлик билан аҳолининг хавфсизлиги чора-тадбирлари кўрилди. Қуролли қўшинларимизнинг ёрдами билан Ҳамидарча, Кунтурмас, Ангориқози, Саринова, Регистон каби кичик тоғ қишлоқларида истиқомат қилаётган аҳоли вертолётлар воситасида бехавотир жойга кўчирилди. Ҳозирда уларнинг асосий яшаш жойи бўлиб турган Холмуҳаммад Қулниёзов номли оромгоҳда барча шароитлар яратилган. Тоғликлар етарли миқдорда озиқ-овқат, кроват, кўрпа-ёстиқ, кийим-кечак ва бошқа кундалик зарур бўлган буюмлар билан таминланган. Вақти-вақти билан маданий-маиший ва спорт тадбирлари ўтказиб турилибди. Шу жойнинг ўзида қўмита ташкил этилган бўлиб, муаммолар зудлик билан ҳал этилмоқда. Тоғликлар ўзларини ўз уйларидагидек ҳис этишяпти.

Туманимиз аҳолисининг бузғунчиларга бўлган нафрати чексиздир. Тарих ҳамиша гувоҳлик берадики, ёвузлик, босқинчилик қилиш ниятида бўлганлар ҳеч қачон ва ҳеч замон мақсадига эришолмаган. Мамлакатимизнинг Тожикистон билан чегарадош бўлган ҳудудидаги Сариосиё ва Узун туманларининг тоғли қишлоқларига суқилиб кирган бир гуруҳ жангариларнинг қабиҳ ниятлари бугунги кунда саробга айланди. Улар тинч аҳолининг қаҳр-ғазабига учради. Душман ҳарбий қўшинларимизнинг дастлабки қақшатқич зарбасидан парокандага учраб, эндиликда тамомила йўқ қилиб ташланмоқда.

«Туркистон-пресс»



ЖАҲОН БОЗОРИГА ДАДИЛ ҚАДАМ

Андижон вилоят «Матлуботсавдо» ҳиссадорлик компаниясининг барча тармоқларида жорий йилнинг 6 ойи давомида катта муваффақиятга эришилди. Тизимдаги барча меҳнат жамоалари ўз фаолиятларини қишлоқ аҳолисига савдо хизмати кўрсатишни яхшилашга, пул кредит муаммоларини такомиллаштиришга ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш ҳамда четга ортиш бўйича белгиланган режаларни бажаришга қаратмоқдалар.

Вилоят аҳолисини, давлат тасарруфидаги муассасаларни доимий равишда зарур маҳсулотлар билан таъминлаш учун ҳозирдан пухта замин яратилаётир. Жорий йил учун белгиланган режа ўз вақтида бажарилаяпти.

Шуни алоҳида мамнуният билан қайд этиш лозимки компания фаолиятида хорижга маҳсулот экспорт қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шу йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида четга 400 тонна ёки 39871 минг сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари чиқарилди. Йилнинг ўтган даври мобайнида тизим бўйича 250000 АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилинди.

Айни пайтда бу ерда ҳамдўстлик мамлакатларида савдо уйларини очиш борасида кўпгина ишлар қилинмоқда. Андижон туман савдо ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти томонидан Украинанинг Киев шаҳрида муҳташам савдо уйи очилди. Шунингдек, Андижон шаҳар «Улгуржимева-сабзавот» корхонаси, Шаҳрихон туман савдо ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти ҳам ҳамдўстлик мамлакатларида шундай шохобчаларга эгалик қилиш учун рухсатнома олди.

Компанияда тайёрлов идора вакиллари Россиянинг Екатеринбург, Барнаул, Челябинск, Омск, Новосибирск шаҳарларига хизмат сафарига юборилиб, у ердаги ҳамкорлар билан тегишли шартномалар тузилди. Бу эса қўшимча валюта ва бунинг натижаси ўлароқ меҳнат аҳлини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш учун янги имконият, янги манба демакдир.

Суратларда: Асака туманидаги «Асака саҳоват» ҳиссадорлик жамиятининг консерва тайёрлаш цехи смена устаси Акром Юсупов. Ишчилардан С. Ғуломова ва Ё. Абдулқосимовалар эса тайёр маҳсулот сифатини назорат қилишмоқда.

Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

ХАВОТИРГА ЎРИН ЙЎҚ

(Боши 1-бетда)

сур кўксини озодлик йўлида қалқон қиладиган миллионлаб фарзандларимиз бор.

- Афғонистондаги бемаъни уруш ситамларини ўз кўзим билан кўрганман,- дейди Афғон уруши қатнашчиси риштонлик Фарҳоджон Жалолов.- Ўша уруш олови ҳануз поёнига етгани йўқ. Ундан қанчадан-қанча одамлар азият чекди, чекмоқда. Болалар оч-етимликда кун кечираётганини бугун ҳам кўриб турибмиз. Бизнинг тинчимизни бузмоқчи бўлганлар ўшаларнинг ҳамтовоқлари. Уларнинг мақсади - бизнинг ҳудудда ҳам контрабанда ва наркотик моддалар билан савдо қилувчи янги минтақа яратиш. Уларнинг бу разил ниятлари нималарга олиб келишини халқимиз жуда яхши биладди. Шу боис ҳам ҳушёр бўлишимиз, мамлакатимиз Қуролли кучларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим. Бизни ҳеч ким танлаган йўлимиздан чалғита олмайди.

- Туманимиз Боткен вилояти билан чегарадош,- дейди Сўх тумани Обишир қишлоғи фуқароси Фарҳоджон Мирзашеранов.- Боткендаги воқеалардан хабаримиз бор. Сўхда тинчлик-осойишталик. Тўйлар, маросимлар бир маромда давом этмоқда. Бозорлар, савдо дўконлари ишламоқда. Аҳоли мамлакатимиз мустақиллигининг 9 йиллик байрамини нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Чунки халқимиз мамлакатимиз сарҳадлари мустаҳкам ва ишончли қўлларда эканлигига тўла ишонади.

Л.СУВОНОВ, Р.КАМОЛОВ, ЎзА мухбирлари.

АҲОЛИГА ЁРДАМ КЎРСАТИЛМОҚДА

(Боши 1-бетда) дори-дармон билан таъминлашда хўжаликлар, корхоналар ва хусусий шахслар фаол иштирок этмоқда.

Сариосиё туманидаги шундай лагерга Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти томонидан ҳам ёрдам кўрсатилди.

* * *

17 август куни туш пайтида Махсус разведка бўлинмаси жангчилари жанговар позициялардан қайтиб келишди. Бир оз дам олгач, улар яна дарага қайтиб кетишади.

Разведкачилар маълумоти ва радио орқали тутилган хабарларга кўра, ҳукумат қўшинлари ҳаракатлари натижасида «қопқон»га тушиб қолган террорчиларнинг ўқ-дори заҳираси тугаб бормоқда. Ёрдам сўраб мурожаат этишганида эса, уларнинг ҳомийлари: «Ёрдам бера олмаймиз» дея жавоб қайтаришди.

(ЎзА).

ТЕРРОРЧИЛАРГА ЖАЗО МУҚАРРАР

(Боши 1-бетда)

террорчиларга қарши қўзғатилган жиноий иш бўйича тергов ҳаракатлари қандай кетмоқда?

- Аввало, шуни айтиш керакки, Ватанимиз хавфсизлигига, халқимизнинг тинч ҳаётига тажовуз қилмоқчи бўлган бу босқинчи тўда аъзоларига қарши Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 155-моддаси билан жиноят иши қўзғатилган. Бу модда терроризм, яъни Ўзбекистон Республикасида вазиятни беқарорлаштириш, халқаро муносабатларни чигаллаштириш, уруш чиқариш мақсадида иғвогарлик, одам ўлдириш, зўрлик ишлатиш, мол-мулкни босиб олиш ва ушлаб туриш каби бир қанча жиноий хатти-ҳаракатларни назарда тутади.

Террорчилик бутун дунёда энг оғир жиноят турларидан бири деб ҳисобланади. Бундай жиноятни содир этган кимсаларга нисбатан барча мамлакатларнинг қонунчилигида қаттиқ жазо чоралари белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексида бундай жиноят содир этганлиги учун узоқ муддатли қамоқ жазосидан олий жазо - ўлимга маҳкум этишга қадар жазо қўллаш назарда тутилган.

Шу кунларда махсус тергов гуруҳи бевосита жанг бўлиб ўтган жойларда террорчиларнинг жиноий ҳаракатларини атрофлича ўрганмоқда. Тоғу тошда жасадлари топилган босқинчиларнинг шахсини аниқлаш бўйича тергов ишлари олиб борилмоқда.

Мурдалар кўздан кечирилганда, шу нарса маълум бўлдики, уларнинг аксарияти ўқ тегиши ва портлашлар натижасида парчаланиб кетган. Кийим-бошлари, ёнидаги буюмлари ҳам асосан ёниб кетган.

Бу ҳолат эса уларнинг шахсини аниқлашда замонавий экспертиза усулларидан кенг фойдаланишни тақозо этмоқда.

Шу ўринда босқинчиларнинг мурдалари ёнидан кўплаб шприцлар топилганига ҳам эътибор қаратиш зарур. Ҳозир ана шу шприцлар махсус лабораторияга текширувларидан ўтказилмоқда. Дастлабки натижаларга кўра, бу шприцлар гиёҳвандлик моддаларини қабул қилиш учун ишлатилган. Бу эса террорчиларни асосан гиёҳванд, банги кимсалар бўлган, деб аташга асос беради. Маълумки, террорчилик бор жойда гиёҳвандлик, наркотик моддалар контрабандаси албатта авж олади. Бу икки ёвуз иллат бугунги кунда бирлашиб кетаётганини мана шундан ҳам билса бўлади.

Жиноятчилар қувиб чиқарилган ва яксон қилинган ғорлардан кўплаб замонавий автоматлар, пулемётлар, гранатамётлар ҳамда минглаб автомат ва милтиқ ўқлари, кечаси нишонга олиш мосламалари, дурбинлар топилди.

Текшириш чоғида шу нарса аниқландики, бу террорчилар тоғдаги даралларда катта-катта ўқдори, қурол-аслаҳа омборларига ҳам эга бўлган. Ҳарбий амалиётлар пайтида улар портлатиб юборилди. Ҳозир воқеа жойида бу омборларнинг қолдиқларини текшириш давом этмоқда. Уларнинг натижалари ҳақида кейин маълумот берилади.

- Халқаро ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида террорчиларнинг турли миллатга мансублиги ҳақида фикрлар айтилмоқда. Тергов ҳаракатлари жараёнида бу борада бирон-бир маълумот аниқландими?

- Ҳа, бу ёвуз тўда аъзоларининг турли миллатга мансублиги тасдиқланмоқда. Лекин аслида, бутун дунёда қабул қилинганидек, террорчининг миллати бўлмайди. У ўз номи билан террорчи.

Тергов ҳаракатлари жараёнида террорчиларнинг ички ва устки кийимлари ҳам бир хил эканлиги аниқланди. Бу уларнинг ҳаммаси махсус тайёргарликдан ўтганини, махсус кўрсатмалар бўйича яшаган ва ҳаракат қилганини, бинобарин, уюшган жиноий гуруҳга мансублигини кўрсатади.

Боя айтганимдек, террорчиларга қарши олиб борилган ҳарбий амалиётлар натижасида уларнинг аксарияти ер билан яксон қилинди. Халқимизнинг тинч ҳаётига раҳна солмоқчи бўлган қора ниятли кимсалар мана шундай жазо топиши муқаррар. Тинч меҳнат билан яшаётган халққа қўл кўтарган, элнинг тавқи лаънатига учраган кимсаларнинг қисмати мана шундай аянчли бўлади. Уларга нисбатан ҳеч қачон шафқат қилинмайди. Мамлакатимизга кўз олайтирмоқчи бўлган, халқимизнинг тинчлигини бузмоқчи бўлган ҳар қандай тажовузкор шуни яхши билиб қўйсинки, Ватанимизга, муқаддас тупроғимизга ёвуз ният билан қадам қўйган кимсалар албатта яксон этилади, йўқ қилинади, кули кўкка совурилади.

(ЎзА).

Ёз гашти

ДАРЁ БЎЙИДАГИ СЎЛИМ ОРОМГОҲ

Биз тушган автомашина эски Яккабоғ қўрғончасига етганда чап томонга бурилиб соя салқин жойда тўхтади. «Мирзо Улуғбек номли болалар соғломлаштириш оромгоҳи» деб ёзилган дарвозадан ичкарига кирар эканмиз кўзимиз болаларни она — Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашга чорловчи шиорларга тушди. Ҳар бирида юздан ортиқ бола дам олаётган 9 та ётоқхона шинам, озода ва саранжом. Ҳар бир ётоқхонада навбатчилик ташкил этилган. Махсус идишларга қайнатилган сув тўлдирилган. Бу болаларни турли хил касалликларга чалинишдан сақлайди. 27 гектар майдондаги мазкур оромгоҳда болалар дам олиши билан бирга саломатликларини тиклаши учун ҳам имкониятлар яратилган. Алиқул Эргашев раҳбарлик қилаётган даволаш муассасасида барча тиббий асбоб-ускуналар мавжуд. Физиотерапия, стомотология бўлимлари ишлаб турибди. Болаларнинг ётиб даволанишлари учун махсус хоналар ажратилган. Бугунгача 500 нафардан ортиқ бола дам олиб, саломатлигини тиклади.

— Мен Қарши шаҳридан келганман, — дейди 7-синф ўқувчиси Нодира Жўраева. — Сурункали бронхит хасталиги билан оғриб юрардим. Бу ерга келиб яхши даволандим.

Шунингдек, Яккабоғ туманидаги Аҳмад Яссавий номли мактабнинг 6-синф ўқувчиси Элбек Номозов ҳам сурункали бронхит касаллиги билан оғриб оромгоҳга келгач дарди чекинди.

Бу ерда ўтаётган ҳар бир тадбир болалар ёдида узоқ вақт сақланади. Жумладан, яқинда «Алпомиш авлодларимиз» мавзуида кураш мусобақаси ўтказилди. Ғолиблар «Камолот» ёшлар жамғармаси туман бўлимининг фахрий ёрлиғи ва дипломи билан тақдирландилар.

— Болаларга етказиб берилаётган мевалар ўз боғимиздан, — дейди оромгоҳ раҳбари. — 5 гектарга яқин боғимизда турли мевали дарахтлар бор. Биз дарё бўйи, боғ қўйнидаги оромгоҳдан қайтар эканмиз, болаларнинг мириқиб дам олиб шифо топаётганликларидан мамнун бўлдик.

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» мухбири.

ЎН УЧ ТУРИ

(Боши 2-бетда)

вий жиҳатдан таъминлаш борасида доимий иш олиб бориляпти. Масалан, «Жавоҳир-дур» МЧЖ ва «Дорбат» хусусий корхонасига асфальт ишлаб чиқариш, «Текамак» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмасига мебель, «Акмал» хусусий фирмасига сут маҳсулотлари, «Олча» хусусий корхонасига салқин ичимликлар қуйиладиган пластик идишлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишлари учун молиявий ёрдам кўрсатилди.

— Банкингизнинг мижозлар ва аҳоли билан ишлашдаги ўзига хосликлари, унинг истиқболи ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Пул муомаласини барқарорлаштириш, муомалага нақд пул чиқариш даражасини қисқартириш ва аҳолининг вақтинчалик бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш борасида барча имкониятлардан кенг фойдаланилмоқда. Биз омонатларни жамғарма ғазналарида сақлашнинг афзалликлари ва бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш бўйича аҳоли ўртасида кенг тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боряпмиз. Ҳозирги кунда аҳоли ўз маблағини 13 турдаги омонатларга қўйиши мумкин. Уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга. Масалан, «Афзал», «Ҳамкор», «КВ-1» омонат турларига маблағ қўйган мижозлар уларга ҳисобланган даромадини ҳар ойда олиб туриши мумкин. «Ҳамкор» омонат туридан фойдаланмоқчи бўлганларга маблағ қўйган куннинг ўзидаёқ қўйилган маблағ ҳисобидан ойига 3 фоиз даромад берилади. Агар ойлик даромадини олмасдан асосий маблағи ҳисобига ўтказиб борилса, йилига 46 фоиз миқдорида даромад олади.

Бундан ташқари, бизнинг жамғарма ғазналаримиз аҳолидан маиший хизмат ва бошқа турдаги тўловларни тегишли корхоналарнинг ҳисобрақамларига кечиктирмасдан ўша куннинг ўзидаёқ ўтказиб беради. Шуни айтиш лозимки, кўпгина йирик корхоналарнинг ишчи-хизматчиларига ойлик маошлари ва бошқа хил даромадларини ҳам жамғарма ғазнаси орқали бериш йўлга қўйилган. Аҳолининг вақтинча бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш, мавжуд маблағларни ҳамда улар бўйича фоизларни мижознинг биринчи талаби бўйича ўз вақтида қайтариб бериш йўлга қўйилмоқда. Шуниси эътиборлики, филиалимиз бўлимларига омонат қўйган мижозлар ўз маблағларини банкимизнинг бошқа филиалларидан ҳам бемалол олишлари мумкин.

Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш, йирик инвестицион лойиҳаларда иштирок этишимиз, аҳолининг бўш маблағларини пул айланмамизга жалб этишимизни ҳисобга олиб, банкимиз ҳиссадорлари бу йил устав капиталини 9 миллиард сўмга етказишга, имтиёзли акциялар учун 50 фоиз йиллик дивиденд тўлашга қарор қилди. Бунинг уддасидан чиқиш учун барча чоралар кўрилмоқда.

Асқар ҲАЙДАРОВ.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 13 июндаги «Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси мукофотини таъсис этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Камолот» мукофотига танлов ўтказилиб, совриндорлар аниқланди.

«КАМОЛОТ» СОВРИНДОРЛАРИ

— Мамлакатимиз ёшларининг ҳар бир соҳада ташаббускорликларини ошириш мақсадида йил бошида жамғармамиз томонидан бешта йўналиш бўйича танлов эълон қилинганди. Жамғармамизга июл ойига қадар юздан ортиқ номзодларнинг ҳужжатлари тушди, — деди Республика «Камолот» жамғармаси бошқарувининг раиси Ҳотам Абдураимов Ўзбекистон Республикаси Миллий матбуот марказида ўтказилган ёшларни тақдирлаш маросимида.

Маънавият соҳаси бўйича «Ёш куч» журнали бош муҳаррирининг ўринбосари Абдувоҳид Ҳайитов, «Маънавият ва маърифат» маркази Жиззах шаҳри бўлими ходимаси Шаҳло Аҳророва, ҳарбий ватанпарварлик соҳаси бўйича батальон миномётчилар бўлимининг командири Зокиржон Тоҳировлар ғолиб деб топилдилар.

Шунингдек, тиббиёт, санъат ва спорт соҳасида ҳам ғолиблар аниқланиб, «Камолот» жамғармасининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Учрашувда мамлакатимиз жанубий чегараларида содир этилган террорчилик ҳаракатларига «Камолот» жамғармасининг муносабатлари баён этилган мурожаатномаси қабул қилинди. Унда бугунги шароитда бутун Ўзбекистон ёшларини Президентимиз атрофида жипслашишга, ватанпарварликка даъват этилди.

ЭЛ НЕТИБ ТОПГАЙ МЕНИКИМ...

«РИЁИЙ КАЪБАДИН ДАЙРИ ФАНОҒА...»

Риёий Каъбадин дайри фаноға
Кириб, гар бутқа зоҳир қилдим имон.
Мени ёзғурма, эй шайхи риёий,
Мен гар кофир эдим, бўлдим мусулмон.

Алишер Навоий бу қитъани қарилик чоғларида ёзган ва у «Бадойи ул-васат» девонига киритилган. Амалга ошириладиган ишда маълум бир мақсад бўлганидек, шеър ёзишда ҳам мақсад бўлади. Мақсад қанча аниқ, қанча теран шаклланса, шеърнинг таъсир даражаси ўшанча баланд, ўшанча фойдали бўлади. Ушбу қитъани ёзишдан кўзланган ният — риёни қоралаш, риё аҳлига муносабат билдириш. Риё — иккиюзламачилик, ёлғонни рост кўрсатишга уриниш, самимиятсизлик, у ёки бу моддий манфаат учун маккорлик қилиш. Риё барча яхши ва гўзал фазилатларнинг кушандаси эрур. Риё жой топган юракда албатта ҳасад ва хусумат бўлади. Риё ҳар қандай одамни мунофиқликка ён беришга, тўғриликдан йироқлашиб, алдов ва мунофиқлик йўлига киришга мажбур этади. Қайси жойдаки, одамлар ўртасида ихтилоф, келишмовчилик, ишончсизлик, манманлик ва бўҳтон бош кўтарса, ўша ерда риё бор. Оллоҳнинг расули риёни «яширин ширк» деб баҳолаган эканлар. Зеро, риё ва дин, риё ва имон бир-бирига мутлақо қарши тушунчалардир. Сўзида, амалида ва ҳолида риё аралашган кимсаларнинг мусулмонлигига иноним бўлмайди. Уларнинг тили дилига, зоҳири ботинига ҳеч қачон мувофиқ келмайди. Ана шунинг учун маломатийлар ибодатни, зуҳд ва тақвони ёки бошқа ижобий ҳолларни кўз-кўз қилмасдан риёни билиш ва риёга қарши курашишга даъват этганлар. Уларга кўра, инсон риёнинг ҳар қандай турини томиридан қуритиб ихлос соҳиби мақомига кўтарилмагунча диний ҳаётда ҳеч нарсага эриша олмайди. Эришганда ҳам маҳдудлик ва зоҳирпарастликдан нарига ўтмайди.

Илк дафъа Сўфий лақаби билан танилган Абу Ҳошим Сўфийнинг нуқтаи назари бўйича, ихлосга эришишдан кўра риёдан қутилиш кўп мушкулдир. У риёни шу қадар чуқур тадқиқ қилганки, тасаввуф аҳли орасида «Абу Ҳошим бўлмаса эди, риёнинг яширин сирлари очилмасди», деган эътироф кенг тарқалган.

Албатта, сўфийлар ҳам, маломатийлар ҳам риёдан баҳс юритганда Қуръони Каримдаги фикр ва кўрсатмаларга асосланганлар. «Бақара» сурасининг 264-оятида буюрилмиш: «Эй мўминлар, молини одамларга кўрсатиш учун берадиган, Оллоҳга ва охират кунига ишонмайдиган кимсага ўхшаб, берган садақаларингизни миннат ва озор билан йўққа чиқарманг! Зеро, унинг (риёкорнинг) мисоли худди бир устини чанг-тупроқ қоплаб олган силлиқ тошга ўхшайдики, унга шаррос қуйган ёмғир текканда қаттиқ-силлиқ тошлигича қолдирган. (Ундай риёкор) мунофиқлар яхши амаллар қилдик, деб ҳисоблайдилар, аммо қиёмат кунида топган ва сарфлаган дунёларидан ҳеч нарсага эга бўлмайдилар. Оллоҳ кофирларни ҳидоят қилмайди». Бу ояти каримада риёкорнинг «устини чанг-тупроқ қоплаб олган силлиқ тошга» қиёсланиши бежиз эмас. Чунки силлиқлик, тилёғламачилик риёнинг биринчи талабларидандир. Бундан ташқари, риёда ҳилм ўрнини қаттиқлик эгаллайди. Аҳмад Яссавий «Кўнгли қаттиқ халойиқдин қочдим мано», деганда куфр ва риё аҳлини назарда тутган.

Навоийнинг қитъаси «Риёий Каъбадин...», деган ибора билан бошланади. Очиғини айтганда, бу ибора бир қадар ғалати эшитилади. Чунки Каъба муқаддас даргоҳ. Қуръони Каримда айтилганидек, «Албатта одамлар ибодат қилишлари учун қурилган биринчи уй Маккадаги Муборак ва бутун оламлар учун ҳидоят (маёғи) бўлган Каъбадурки, унда мақоми Иброҳим (яъни, Каъбани қуришда Иброҳим алайҳис-салом оёқлари остида бўлган харсанг тош, у тошдан ҳанузгача Иброҳим пайғамбарнинг оёқ излари кетмаган) ва унга кирган одам ҳар қандай хавф-хатардан омон бўлиши (каби) очиқ оят-аломатлар бордир...» (Ол-и Имрон: 96-97) Риё ва риёкорлик сидқ ва ихлосни очиқ инкор этмайди. Аксинча, энг муқаддас туйғу ва тушунчалар номи ила иш юритади.

Чин мусулмонга нисбатан риё аҳлининг Каъба зиёратига интилиши балки устунроқ бўлиши ҳам мумкин. Бироқ бундан ҳеч фойда чиқмайди. Навоий худди шу ҳолатни инобатга олиб ва худди шундай тоифадаги кимсаларга қарата «Риёий Каъбадин» қочиб «дайри фаноға» кириб «бут»га сиғинганлигини сўзлайди. Хўш, бу гапни қандай қабул этиш керак: бутпарастлик маъносидами? Йўқ, албатта.

Дайр сўзи бир неча маънони билдиради. Булар: бутхона; майхона; завийя; инсонлик олами; ориф ва авлиёлар тўпланадиган жой. «Дайри фано» — ўзликдан кечганлар олами. Унда «бут»дан мурод нима? Бут сўзининг луғавий маъноси санам. Бу сўз севгили, маъшуқ, матлуб мазмунида ҳам қўлланилган бўлиб, футувват аҳли «фато» (йигит)ни бутчироқ, ишқ жамоаси ошиқни бутпараст ўлароқ қабул этганлар. Тасаввуфда эса бут — бу ваҳдад, илми илоҳийга ортиқ даражада иштиёқ сезган орифнинг кўнгли демак. Шундай қилиб, Навоий риёдан дин ва иймонни ажрата олмаганларга комил орифнинг маърифатини қарши қўймоқда. Шоирнинг ишончэътирофига кўра, агар инсон орифлик йўлини танласа, орифи комилнинг кўнгил нуридан файз олса, у гарчи кофир эса-да, мусулмон бўлиши шубҳасиздир. Бундай ҳолатда ҳатто риёкор шайхнинг ёзғиришидан ҳам ҳеч қандай зиён етмайди:

Мени ёзғурма, эй шайхи риёий,
Мен гар кофир эдим, бўлдим мусулмон.

Риё аралашган ҳеч бир ишда холислик бўлмайди. Риё дунё ишларини чигаллаштиради, одамларни билиб, кўриб туриб бир-бирига ёлғон сўзлашга, бир-бирини алдашга илҳомлантиради. Мана шу учун ҳам риёнинг шакл-шамойили ва сирларини билиш, энг хавфли душман сифатида ҳар ким унга қарши кураша олмоғи керак. Маломатийлар ўзининг қилган ишларига эътиборни тортган кимсани ғофил, қилган ишларидан қаноатланган ёки қувонганни риёкор, деб баҳолашган. Шу боис Боязид Бистомий «Инсонлар ичида Оллоҳ ила орасида энг қалин парда тортилган кимсалар учдир: илми туфайли олим, ибодати боис обид, зуҳди туфайли зоҳид даъвосида бўлганлар», — дейди. «Риёий Каъба» ичида димиқиб қолмаслик учун ҳам буни англаш лозим.

«ЧУ РАЗЛ ҲАВСАЛАСИЗДУР...»

Чу разл ҳавсаласиздур, не тонг, агар ногоҳ,
Етишса микнат анга, аржуманд тутқай ўзин.
Чу боиси нисён эрур ажаб эрмас,
Ки жоҳ они маст айлагай, унутғай ўзин.

Инсон хулқ-атворини чуқур билиш, унинг ҳолини, аҳволидаги ўзгаришларни яхши англаш билан бевосита боғлиқдир. Алишер Навоий қитъа жанридаги шеърларида ахлоқ-одоб, таълим-тарбия масалаларига диққатни жалб этсада, аслида уларнинг аксариятида ҳолнинг сирлари, ижобий ёки салбий ҳолларнинг ақл ва ахлоққа кўрсатган таъсирлари ҳам тадқиқ этилади. Разл — паст, тубан, ярамас табиатли кимса дегани. Разолатга ўч, разиллик йўлидан юрган одамда ҳеч вақт очиқ ва мардона бир ҳаракат бўлмайди. У ниятини яшириш, пайт пойлаб кун ўтказишга маҳкум. Ана шу сабабларга кўра ҳам Навоий разилни ҳавсаласиз дея таърифлайди. Лекин бу алдамчи ҳавсаласизликдир. Тасаввур қилинг, бир пасткаш баландроқ бир амал ёки мартабага эришди. Нима бўлади? Унда биринчи кўзга ташланадиган кайфият иззатталаблик бўлади. Яъни, Навоий айтмоқчи ўзни «аржуманд» тутади.

Одамлар орасида «Амал ҳар қандай кишини ўзгартиради», деган қараш бор. Аслида эса бу саёзлик, ожизлик, ҳавойилик, хусусан, разилликнинг юзага қалқишидирки, бунда амални айблаш ўзини унча оқламайди. Мансаб ва мартаба ўзни унутишга, «Ким эдингу, ким бўлдинг», деган савол хусусида бош қотирмасликка имкон беради. Бу эса мастлик ҳолатидан деярли фарқланмайди. Буни кўп маротаба кўрган, кузатган Навоий ёзади:

Чу боиси нисён эрур ажаб эрмас,
Ки жоҳ они маст айлагай, унутғай ўзин.

«Нисён» — ўзни унутиш. Ўткинчи дунё омадлари юз очганида тубан кимсалар ўзларини аржуманд этсалар бундан ажабланманг. Чунки улар ким эканликларини дарҳол эсдан чиқарадилар. Баланд амалу мартаба «шароби»дан маст бўлганлар, албатта «унутғай ўзин», дейди донишманд шоир. Бу гап фақат ўтмишнинг эмас, бугуннинг ҳам энг муҳим ва долзарб гапидир.

Иброҳим ҲАҚҚУЛ,
филология фанлари доктори.

Жума ўгитлари

Билгилки, кийим кийиш баданни ва уят жойларни беркитиш даражасида фарздир. Бу фарзда риоя қилинадиган қоидалар бор. Агар либос кийиш қоидалари нечта деб сўрасалар, ўн бешта деб айтгил: тўртта фарз, тўртта суннат, бешта адаб ва иккита ҳаром (манъ қилинган қоидалар).

ҲУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙ

КИЙИМ КИЙИШ ОДОБИ ҲАҚИДА

Агар тўрт фарзи қайси, деб сўрасалар, жавоб бериб айт: аввал шуки, кийим ҳалол маблағ ҳисобига олинган бўлсин. Иккинчидан, кийимни безак учун эмас, балки иссиқсовуқдан сақланиш заруратн юзасидан кийсин. Учинчидан кийим нажасдан пок бўлсин. Тўртинчидан, кийим ипак матодан ва зардан тикилган бўлмасин...

Агар тўрт суннат қайси, деб сўрасалар, айтгил: биринчидан, тўн узун бўлмасин. Иккинчидан, ҳар хил тўндан фақат биттадан бўлсин, зеро кўп ва рангбаранг тўн кийиб юриш футувват мартабалари мақомотига мувофиқ эмас. Учинчидан, ҳайит (ид) куни янги ёки ювиб тозаланган либос кийсин. Тўртинчидан, аксар яшил ва оқ тўн кийсин.

Агар беш адаб қайси, деб сўрасалар, айтгил: биринчидан, кийимни кияётганда аввал ўнг қўлининг енгидан бошласин. Иккинчидан, ечаётганда чап қўлдан бошласин. Учинчидан, кийимни тоза сақласин. Тўртинчидан, иштонини ўтириб кийсин. Бешинчидан, саллани бир жойда туриб ўрасин.

Агар иккита ҳаром қайси, деб сўрасалар,жавоб бериб айтгил: бири — кийимни кибр-ҳаво, улуғ сифатлик учун кийишлик, иккинчидан, расмли, тасвир нақшли либосни кийишлик. Аммо агар нақшли бўлсаю, сурати бўлмаса жоиздир.

Агар кафш ва этик кийишда нечта адаб бор, деб сўрасалар, тўртта деб айт: кафш ва этикни аввал ўнг оёқдан бошлаб кийиш, иккинчидан, ечаётганда чап оёқдан бошлаш. Учинчидан, бир жуфт кафш ёки бир жуфт этик билан кифояланмаслик керак. Тўртинчидан, агар мажоли етса кафшни қаерда ечса, олиб ёнига қўйсин.

Агар узук тақишнинг қандай қоидалари бор, деб сўрасалар, айт: бунинг тўртта қоидаси бор: биринчидан, узук темирдан бўлмаслиги керак, иккинчидан, кумушдан ясалган бўлсин ва бир мисқолдан ортиқ кумуш сарфланмаган бўлсин. Учинчидан, узукнинг кўзи ёқутдан бўлгани маъқул, чунки ёқут (ақиқ)да баракат кўп. Тўртинчидан, ўнг қўлининг ўрта бармоғига тақиб юриши керак...

Агар либос сен учунми ёки сен либос учунми, деб сўрасалар, дегил: либос менинг суратимдир ва мен либоснинг маъносиман.

Форс-тожик тилидан Н.КОМИЛОВ таржимаси.

Илҳом

Иқтидорли журналист, шоир, ёшлар мураббийси Анвар Юсупов узоқ йиллар Ўзбекистон матбуотида самарали меҳнат қилди. Ўзининг ажойиб очеркари, публицистик мақолалари, шеърлари билан кенг ўқувчилар оммасига танилди. Хозирда Ўзбекистон телевидениесининг гуруҳ раҳбари бўлиб ишлаётган А.Юсупов ўзининг қутлуғ 60 ёшини нишонламоқда. Ижодкорни самимий табриклаб, шеърий гулдастасидан намуналар тақдим этамиз.

МУҚАДДАС ВАТАН

Қалбим осмонида, юрак тўрида,
Кўнглим гулзорида, меҳрим қўрида,
Қўшиғим жаранги, созим торида
Бу сенинг сеҳрингми муқаддас Ватан,
Бу сенинг меҳрингми муқаддас Ватан.

Севдиму севилдим, эрка ўғлингман,
Ихлосим жўш урар бағри чўғлиман,
Истиқлол фарзанди эркли, туғлиман,
Бу сенинг меҳрингми муқаддас Ватан,
Бу сенинг сеҳрингми муқаддас Ватан.

Бахтлар водийсисан бағри бепоён,
Ҳур эллар дилига сенсан ошён,
Тинчлик қўрғонисан, тилларда достон,
Бу сенинг сеҳрингми муқаддас Ватан,
Бу сенинг меҳрингми муқаддас Ватан.

СИЗ – НУРЛИ ҚУЁШ

Баҳор, гул, гўзаллик — ошуфтаҳоллик,
Дилда куй-ғазаллик, тиллари боллик,
Умри тароватли, куни шарофатли,
Эй азиз санамлар, нақадар бахтли,
Мен сизни куйлайман, дил торимда сиз,
Меҳрли шеърларим, дуторимда сиз.

Табиатдан сизлар ё борлиқ сиздан,
Ранг, жило олганми безагингиздан —
Ҳаммаёқ яшариб кетибди, яшнаб
Эй, азиз санамлар, сулув, оташ қалб,
Мен сизни куйлайман, мақтайман сизни
Гўзаллик тимсоли, алқайман сизни.

Сиз Она — волида, дугона, сингил,
Сиз аёл — дарё дил, беэавол кўнгил,
Сиз ҳаёт — борлиққа бахшидаи жон,
Сиз буюк қудратсиз, сиз буюк инсон.
Эй, азиз санамлар, эй, бағри оташ,
Мен сизни куйлайман, сиз — нурли қуёш.

Анвар ЮСУПОВ.

Касби туманидаги «Маймоноқ» санаторийсида асосан асаб, нерв системалари, полиартрит, ревматизм ҳамда астрохандероз каби хасталиклар даволанади.

Суратда: Бош шифокор Олимжон Абдураҳмонов ҳамда ҳамшира Сабоҳат Шомирзаева рентген натижалари билан танишмоқдалар.

А.АКБАРОВ олган сурат.

Фалак сирлари

ОЙ ТЎЛГАНДА... ЎЗНИ АСРАНГ!

Халқ орасида Ой билан боғлиқ кўпгина иримлар мавжуд. «Ой тик чиқса, Ер тинч бўлади» дейишади.

— Ой янгилигида ток қаламчаси пайванд қилинса, барибир тутмайди!

— Янги Ой чиққанда байталнинг сути қуюқ, бемаза бўлади.

— Агар узоқ вақт фарзанд кўрмай юрганлар Ой тўлган кунларда тоғ ё қирда қовушсалар...

Хуллас, чиройи ва сеҳри билан бизни мафтун этадиган тўлин Ойнинг руҳимизга, вужудимизга таъсири ўзгача экан. Хорижий олимларнинг хулосасига кўра, сутдай ёруғ оқшомларда Ой гардиши одамларни худди магнит сингари ўзига тортади, шундай кунларда руҳиятимизда безовталиклар кузатилади. Нохуш таассуротлар оқибатида турли қонунбузарликлар, салбий ҳодиса ҳамда ёмон воқеалар юз беради, гоҳо. Ой сатҳида юз бераётган ўзгаришлар одамларга лаҳзама-лаҳза таъсир эта боради, улар тушкун ва маъюс, ваҳимали хаёлларга берилувчан бўлиб қолишади, уйқулари нотинч кечади, алоқ-чалоқ тушлар кўрадилар. Худди шу кунларда бандаги янги жароҳатлар (ёхуд жарроҳлик пайтида қўйилган чоклар)нинг битиши қийин бўлади. Буни қарангки, Ой тўлаётган кунларда ювилган кирлар ҳам яхши очилмас экан! Агар сиз бирор жойингиздаги сўгални йўқотмоқчи ёки этингизда ўсиб кирган тирноқларни олдирмоқчи бўлсангиз, аввал самога боқинг. Чунки, бу сингари юмушларга тўлин Ой акс таъсир кўрсатади.

Шуниси қизиқки, Ой ярим доира ҳолига келиб турганда қилинган жарроҳликдан сўнг чоклар ўрни жуда тез битиб кетаркан. Худди шу кунларда соғломлаштириш муолажасини олган ёки юзини ва танасини парваришлаган киши яхши натижаларга эришаркан. Чунки, бу вақтда одамнинг танаси қон билан яхши таъминланади, етарли даражада намланиб туради. Фойдаланилган крем ва дори-дармонларнинг таъсири ҳам ижобий бўлади, шу кунларда сочлар жуда тез ўсиб, агар у бўялса, бундай бўёқ узоқ вақтгача кетмасдан туради. Ойнинг ўроғи чапга бурилиб турганда шифобахш ўсимликларнинг барглари ва гулларида фойдали моддалар ниҳоятда кўп йиғилади. Шу вақт ичида уларни йиғиб, қуритиб олинса, айни муддаодир.

Маълумки, Ой ҳар 28 кунда тўлади. Ой тўлган кезларида эркакларнинг чекишни ташлаши осон кечади, парҳез ҳам фойдали таъсир кўрсатади. Яхши дам олиш ва овқатни камроқ ейиш лозим. Негаки, бу кунларда бутун танамиз тозаланишга тайёр бўлиб тураркан. Жисмимиздаги барча нохушликларни бартараф этмоқ учун ўзимизга эътибор беришимиз, Ой тўлган кечаларда валериана қайнатмаси ва турлича тинчлантирувчи чойларни ичиб туришимиз зарур. Уйқуга ётишдан олдин бир қошиқ асал солинган илиқ сутли чой ичиш айниқса фойдали.

Ой ўроғи ўнгга бурилиб «С» ҳарфига ўхшаб турганда инсон куч-ғайратга тўлиб-тошади. Бундай вақтда соғлиғингизни мустаҳкамлаш чораларини кўринг. Ой кичраяётган кунларда тушлик қилганингиздан сўнг газанда (қичитқи ўт)дан чой дамлаб ичсангиз кифоя. Бир литр сувга бир ош қошиқ қуритилган қичитқи ўт солсангиз бас, бу қайнатма танангизни тозаловчи муолажа сифатида таъсир кўрсатади. Ой қайтаётганда (яъни, Ой тўлиб бўлганидан кейин) киши танасида оғриққа сезгирлик камаяди. Юзни тозалатиш, сўгалларни ва тирноқларни олдириш муолажалари айни шу кунларда бажарилгани маъқул.

Сутдай ёруғ кеча... Бундай тунларда Ойга қаранг ва унга дардингизни шивирлаб айтинг. У сизга қандай маслаҳатлар бераркин?!

Г.ЖАМИЛОВА тайёрлади.

Ўзбекистон енгил, мебель саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ва Сурхондарё вилояти тармоқ касаба уюшма қўмитаси жамоалари «Сурхонтекстиль» ХЖ касаба уюшма қўмитаси раиси **Алламурод БЕРДИҚУЛОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
Тахрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00

Буюртма Г— 724. 1 2 3 4 5 6